

1994–4233 ISSN

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGY MATTERS
ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

ЖУРНАЛ 2002 ЙИЛИ
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ЙИЛИГА 4 МАРТА
ЧИҚАДИ

2020/1

Т О Ш К Е Н Т — 2020

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Бош мухаррир:

Гуландом БОҚИЕВА

Масъул котиб:

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА

ТАҲРИР КЕНГАШИ: Лайло АҲМЕДОВА, Жамила ҒУЛОМОВА, Жамолиддин ЁҚУБОВ, Марк КРОССИ (Британия Кенгаши директори), Абдурахим МАННОНОВ, Рафаэл дел МОРАЛ (Испания), Кесава ПАНИККАР (Ҳиндистон), Родмонга ПОТАПОВА (Россия), Ганишер РАҲИМОВ, Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, Қосимжон СОДИҚОВ, Илхом ТЎХТАСИНОВ, Ғайрат ШОУМАРОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Дилбар ДЖУМАНОВА, Нилуфар ИСОҚУЛОВА, Ирода КАХАРОВА, Анатолий ЛИХОДЗИЕВСКИЙ, Эльмира МУРАТОВА, Ойниса МУСУРМОНОВА, Саодат НОСИРОВА, Гулчеҳра РИХСИЕВА, Ҳалим САИДОВ, Бокижон ТЎХЛИЕВ, Баҳор ТЎРАЕВА, Гулноз ХАЛЛИЕВА, Баҳодир ЭРМАТОВ, Гули ЭРГАШЕВА, Носир ҚАМБАРОВ, Венера ҚАЮМОВА.

Главный редактор:

Гуландом БАКИЕВА

Ответственный секретарь:

Каромат МУЛЛАХОДЖАЕВА

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ: Лайло АХМЕДОВА, Жамила ГУЛЯМОВА, Жамолиддин ЯКУБОВ, Марк КРОССИ (Директор Британского Совета), Абдурахим МАННОНОВ, Рафаэль дел МОРАЛ (Испания), Кесава ПАНИККАР (Индия), Родмонга ПОТАПОВА (Россия), Ганишер РАХИМОВ, Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, Касимджон САДИКОВ, Илхом ТУХТАСИНОВ, Ғайрат ШОУМАРОВ.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ: Хуршид ДУСТМУҲАММАД, Дилбар ДЖУМАНОВА, Нилуфар ИСАКУЛОВА, Носир КАМБАРОВ, Венера КАЮМОВА, Ирода КАХАРОВА, Анатолий ЛИХОДЗИЕВСКИЙ, Эльмира МУРАТОВА, Ойниса МУСУРМОНОВА, Саодат НАСИРОВА, Гулчеҳра РИХСИЕВА, Халим САИДОВ, Бокижон ТУХЛИЕВ, Баҳор ТУРАЕВА, Гулноз ХАЛЛИЕВА, Баҳодир ЭРМАТОВ, Гули ЭРГАШЕВА.

Editor-in-Chief:

Gulandom BAKIEVA

Executive secretary:

Karomat MULLAKHODJAEVA

EDITORIAL COUNCIL: Laylo AKHMEDOVA, Jamila GULYAMOVA, Jamoliddin YAKUBOV, Gayrat SHOUMAROV, Mark CROSSEY (Director of the British Council), Abdurakhim MANNONOV, Rafael del MORAL (Spain), Kesava PANIKKAR (India), Rodmonga POTAPOVA (Russia), Ganisher RAHIMOV, Kasimjan SADIKOV, Shuhrat SIRAJIDDINOV.

EDITORIAL BOARD: Khurshid DUSTMUKHAMMAD, Dilbar DJUMANOVA, Nilufar ISAKULOVA, Nosir KAMBAROV, Venera KAYUMOVA, Iroda KAHAROVA, Anatoliy LIXODZIEVSKIY, Elmira MURATOVA, Oynisa MUSURMANOVA, Saodat NOSIROVA, Gulchekhira RIKHSIYEVA, Khalim SAIDOV, Ilkhom TUKHTASINOV, Bakijan TUKHLIEV, Bahor TURAYEVA, Gulnoz KHALLIYEVA, Bahodir ERMATOV, Guli ERGASHEVA.

Нашр учун масъул: Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА



Умида Расулова

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети доценти, филология фанлари
номзоди

ҚИССА ЖАНРИ ГЕНЕЗИСИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада қисса жанрида воқеликни теран таҳлил қилиш, инсон руҳиятини тубсиз ва қоронғу пучмоқларига назар ташлаш, ҳаёт моҳиятини аниқлашга эътибор ортгани аниқланади. Қисса жанри табиатини кузатар эканмиз, унда образлар кўп қирралиги, конфликт ўткирлиги, психологик таҳлил чуқурлиги, бадий-тасвирий воситаларнинг хилма-хиллиги, мавзулар ранг-баранглиги кўзга ташланади. Қисса жанри шаклланиши, тараққиёт босқичини ўрганиш мазкур жанр ҳақидаги қарашларни янада мустаҳкамлайди.

Буюк қудрат соҳиби Аллоҳ таоло оламу одамга оид илм маҳзанини илоҳий китобда нозил қилган. Муқаддас каломдаги мўъжизалардан дунёнинг орифу уламолари хануз ҳайратланмоқда. Инсон яралишига доир хабар ихчам қисса шаклида Қуръон саҳифаларига жо бўлган. Унда одам ботину зоҳири аниқ, лўнда, теран ифода этилган. Макону замон тасвиридаги сирлилиқ замирида асрий синоатларга ишора муҳрланган. Ҳозирги тасаввурда мавжуд бўлмаган замон мезони ҳам Калом саҳифаларида илк бор намоён бўлган. Пайғамбарларнинг дунёга келиши, илоҳий муждаси само, уммон, тоғ, замин каби хронотопта синтезлашиб борган. Уларнинг турли манзилга сафари мобайнида расуллик ҳамда набийлик хислати, ақлу заковати, қувваи ҳофизаси намоён бўлади. Қисса негизида дин, тарих, фалсафа, психология, тиббиёт, география, мантик, санъат каби фанлар ибтидоси, жавҳарига нигоҳ ташланади. Қуръонда қисса сўзи суралар таркибида қўлланиб, самовий кенгликдан заминий қатламгача, Одам Атодан сўнгги расул – Муҳаммад алайҳиссаломгача,

Umida Rasulova

PhD, an Associate professor of Tashkent State
University of the Uzbek Language and Literature
named after Alisher Navoiy

GENESIS OF THE GENRE OF TALES

ANNOTATION

The article deals with the problem of the increasing emphasis on the genre of tales, a deeper analysis of reality, a look at the deep and dark pits of the human soul, and the essence of life. When we research the nature of the genre of tales, we can observe the versatility of images, the intensity of conflict, the depth of psychological analysis, the diversity of artistic and visual means, and the diversity of themes. Studying the development of the genre of the story, the stages of development further strengthens the view of the genre.

Allah, possessor of the Exalted in Power, revealed in the Divine Book the knowledge of the universe to men. The scholars and scientists of the world are still astounded with the miracles of the Holy Word. The message of the creation of man is found in the holy verses of the Koran in a form of a compact narrative. It clearly shows human's inner and outer character. The secret of the place and time contains the underlying hint at centuries old mysteries. The criterion of time, which does not exist in the present, was also first shown on the pages of the Holy Book. The birth of the Prophets, the Divine Gospel has been synthesized in chronotopes, such as heaven, ocean, mountains, and earth. During their journeys, they show the character of the Prophecy and the Prophets, their intelligence and power. The story focuses on the origins and the core of such sciences as religion, history, philosophy, psychology, medicine, geography, logic, and art. In the Koran, the word narrative is used in Surahs, and presupposes the interpretation of events at a global scale, at a human level, from the celestial depth to the earthly layer, from the first Adam to the last messenger Muhammad. A particular attention is paid to the

фонийдан боқийгача башарий кўлам, даражадаги муҳим воқеа, ҳодисотни илоҳий ахборот муштараклигида талқин этиши кузатилади.

Фольклор ҳамда мумтоз адабиётдаги қиссалар моҳиятига эътибор берилди.

Калит сўзлар: қисса, таркиб, генезис, пайғамбар, тарих, бадиият, образ, поэтика, жанр, моҳият

significance of narratives and tales in folklore and classical literature.

Key words: tales, content, genesis, prophet, history, artistic feature, image/hero, poetics, genre, essence.

КИРИШ

Қиссаларда поэтик ифода усулининг турфалашуви ижодкорга кенг имкониятлар яратди. У образлар тизимини турли аспектда тақдим этишга, маданий, тарихий канонлар доирасида асар бадииятини оширишга интилки. Маълум ва машҳур сиймолар образидан тортиб, оддий, содда кишиларнинг ҳаётини тадқиқ этишга киришди. Ҳаётдаги муайян ўзгаришлар инсон қисматида тажассумини топади, донишманд киши, аввало, қурраи заминдаги янгиликларни онги призмасидан ўтказиб, тўғри, муносиб қарорни қабул қилади. Ҳар доим мақсадга эришишга интилки одам ҳақиқатни шиор айласа, муваффақият қозонади. Тараққиёт натижасида маданиятлар юксалиб боради. Давр билан ҳамнафас қаҳрамон собитқадам, иродали бўлса, анъаналарни ўзлаштириб, уларни асрашга ноил бўлади. Шу маънода қиссалар поэтикасида турли соҳа вакиллари, жамиятнинг турфа қатлами ҳолати бадиий гавдалантирилади.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Муқаддас Каломда инсоният тарихи уч сатҳда: мозий, бугун, келажак (ҳатто одамнинг яралишидан аввалги борлиқ ҳамда охири маҳшаргоҳ) қамраб олинади. Илоҳий ҳикмат моҳияти ихчам, аммо залворли қиссалар қатига сингдирилади. Илк яралишдаги муддао (Аллоҳга ошиқлик)ни уқиш маъносида қиссалар оинаи олам янглиғ инсониятга илму ғарибадан дарак беради.

Фаришта (илоҳий нур), руҳ ҳамда вужуд (нутфа) борасидаги илми аввалда арши аъло, қурраи замин макони қамраб олинади. Каломдаги шаръий аҳком билан қиссаларнинг уйғунлигида инсонга юборилган синонга ишора кузатилади. Бу қиссалар маълум сурада изчил, яхлит ҳолда эмас, айрим оятларда жамланиб, муайян пайғамбар фазли, қароматидан бохабар этади.

“Бақара” сурасида Одам алайҳиссалом ҳамда момо Ҳаввонинг жаннат сородати, иблис найранги синоати замирида илк бор имон ва куфр зиддиятига урғу берилади. Сура 286 оятдан иборат бўлгани боис унинг маълум ўрнида муқаддас фаришта, ожиз инсон, маккор шайтон – уч яратилган моҳияти теран мантиқ асосида ўқитиб борилади.

“Оли Имрон” сурасининг 62-ояти мазмуни шундай:

Албатта, бу воқеий қиссадир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳ, албатта, Азиз (қудратли) ва Ҳаким (ҳикматлидир) (1.58). Мазкур оят Имрон (а.с), Ма-

рям ва Исо (а.с) қисмати хронологиясини хулосалайди. Исо (а.с)нинг таваллуди, гўдакнинг тилга кириб пок, афифа онаси Марямни маломатдан асрагани инсониятга аниқ, тугал далил тарзида келтирилади. Унинг ўликларни тирилтириб, ҳаётдаги амали ҳисобини ошкор айлаши ғофилларни огоҳликка ундайди. Исо (а.с)нинг осмонга кўтарилиши, белгиланган вақтда Дажжолни мағлуб этишида муаммоли вазиятга ечим берилади. Реал макон, замонда содир бўлган бу мислсиз мўъжизага асрий эътирозни тўхтатиш борасида 3та тил унсури (албатта, воқеий, дир) махсус қўлланади.

“Нисо” сурасининг 164-оятни қуйидагича:

Бир қатор пайғамбарлар ҳақида қиссаларни Сизга илгари айтдик. Айрим пайғамбарлар қиссаларини эса айтганимиз йўқ. Аллоҳ Мусо билан бевосита гаплашди (1.104).

Бунда икки хил ёндашув кузатилади. Кенг маънода дунёга 124 минг пайғамбар келгани, 313таси расул (китоб ё саҳифа туширилган), қолгани набий (китобсиз) бўлгани эслатилади. Муқаддас каломда 25 пайғамбар тарихи қисса шаклида суралар моҳиятига сингдириб борилади.

Тор маънода аввалги оятни яхлитлаш, яъни Нух (а.с), Иброҳим (а.с), Исмоил (а.с), Исҳоқ (а.с), Яъқуб (а.с) ва унинг авлоди, Исо (а.с), Айюб (а.с), Юнус (а.с), Ҳорун (а.с) Сулаймон (а.с)га ваҳий юборилгани, Довуд (а.с)га Забур китоби берилгани ҳақидаги илоҳий дарак назарда тутилади. Нух тўфонига сабаб бўлган омиллар, дунёга таркаган насллар тақдирига нигоҳ ташланади. Биёбонда сувсаган гўдак Исмоил учун замзам сувининг пайдо бўлиши, Иброҳим (а.с)нинг Каъбани бино этиши, қурбонлик синовидан ота-ўғилнинг хайрли ўтишида имон қуввати намоён бўлади.

Мусо (а.с) нинг Мисрдаги Тур тоғида Яратган билан илоҳий мулоқоти ёдга олиниб, унда тажалли, муножот, хос ишқ, ошиқ банданинг маъшук Аллоҳга ихлосу эътиқодига урғу берилади.

“Аъроф” сурасининг 101, 175, 176- оятларида ҳам қисса сўзи учрайди, биз фақат 176-оятга тўхталишни лозим билдик.:

Бу ўша охирги оятларимизни ёлғонга чиқарган қавм кишиларининг мисолидур. Бу қиссаларни уларга айтиб беринг, шояд тафаккур қилсалар (1.173).

Сурада Нух (а.с), Ҳуд (а.с), Солиҳ (а.с), Лут (а.с), Шуайб (а.с) ва Мусо (а.с) қавмларининг мўъжизалар талаб қилгани ҳолда Аллоҳга имон келтиришдан бўйин товлагани эслатилади. Турли давр пайғамбарларига осийлар сув, шамол, бўрон, булут, қичкирик, тўфон каби табиий офатга мубтало бўлса-да, уларнинг исёнда давомийлиги таъкидланади. Инсониятни огоҳ этиш, ҳидоятга чорлаш мақсадидаги қиссалар замирида ҳақиқат теранлашади. Кўп оятлар таркибидаги англамайди, эшитмайди, кўрмайди, тафаккур қилмайди каби мулоҳаза серкатлам маъно касб этиб, ҳидоятга шафоатдан маҳрумлик, бенасибликка ишора этади. Мазкур ҳолат куфр, ботилдан қайтиш, яралишдан мақсад нелигини уқиш, фоний дунёга ҳавасдан воз кечишга ундайди.

“Ҳуд” сурасининг 100, 120-оятларида ҳам қисса мавжуд. Биз кейинги оятда фақат умумий насихат, эслатма берилгани сабабли эътиборни 100-оятга қаратдик:

Ана шу Биз Сизга (эй, Муҳаммад) қиссасини айтаётган шаҳарларнинг хабарларидандир. Улардан (ҳозиргача сақланиб) тургани ва (йўқ бўлиб) кетгани бор (1.233).

Маълумки, Каломи Шарифда қадимий шаҳар, давлат номи учраб, улардан баъзилари вақт ўтиши билан ўзгаргани тарих илмидан аён. Миср, Макка, Мадина, Шом, Ирок, Саудия, Шом, Қуддус, Рум каби давлат ҳудудидаги воқеалар илк ахлоқий, диний, ижтимоий муносабатдан баҳс боғлайди. Улар орасида ҳалокат боис умуман қурраи заминдан йўқ бўлгани талайгина. Ҳануз археология, тарих, этимология соҳасида тугал илмий хулоса берилмаган. Бу маскан ўрни, иқлими асрлар давомида алмашиб борган. Нуҳ (а.с) қавмидаги итоатлилар билан олти ой мобайнида денгизда сузиб, сўнг қуруқликка муяссар бўлади. Лут (а.с) қавми баччабозлик иллатидан воз кечмагани боис қиздирилган лой қотишмасидан таркибланган тош билан бомдод вақтида жазоланади. Жаброил фаришта томонидан Мадян юртига азоб тоши ёғдирилади. Солиҳ (а.с) қавми мўъжизали туяни сўйгани боис уч кун ичида ҳалокатга йўлиқиб, қичкириқ овозидан уйларида мурдага айланади. Жазо вақти, даражаси, муддатида ҳам тафовут кузатилади. Қуръонда бу ҳодисалар аксаран намоз вақти: бомдод, шом, хуфтонда рўй бергани билан шарҳланади. Умуман, бирор муҳим воқеага нисбат берилганда намоз вақти мезон қилиб танлангани аёнлашади. Фаришталар ҳақидаги илоҳий хабарга кўра, асосий бош элчи мақомида Жаброил, сўнг Микоил, Азроил ва Исрофилнинг номлари келтирилгани равшанлашади.

Қуръони Каримда “Юсуф” сураси гўзал сура дея таърифланганини 3-оят билан қувватлаймиз:

Биз Сизга ушбу Қуръон (сурасини) ваҳий қилишимиз билан бирга гўзал қиссани айтиб берурмиз. Сиз эса (эй, Муҳаммад) ундан (ваҳийдан) олдин беҳабарлардан эдингиз (1.235).

Аллоҳ таолонинг тенгсиз қудратини англаш учун қурраи замин, самовоту набототга нигоҳ ташланса бас. Мазкур сурада гўзал сифати назаримизда илоҳий ҳамда мажозий ишқ талқинида аёнлашиб боради. Яратувчи Юсуф (а.с) га ботиний ва зоҳирий гўзалликни насиб этади. Сийратдаги ҳаё Юсуф (а.с)ни гуноҳдан асрайди. У Аллоҳдан уялгани боис зинодан ҳазар қилади. Кейинги босқич ота ва фарзанд, биродар муҳаббатида ҳасад ҳамда садоқат муқояса этилади. Яъқуб (а.с)нинг ўн икки ўғли бўлиб, Юсуф (а.с) ўн биринчиси эди. Ота тўғриси ўз, ақлу заковатли, ахлоқли Юсуфни пайғамбар бўлмасдан аввал ҳам кадрлаган. Акалар қаҳри, адовати сабабидан ука қудук, сўнг зиндонда азобланади. Учинчи босқичда аёл (Зулайхо) ва эркак (Юсуф) муҳаббатида макр, жазо, айрилиқ, висол мотиви етакчилик қилади. Бунда аёл феълидаги фаҳш иллатига эркак имони, ғурури контраст қўйилади. Муҳими, тизимда кишининг юксалиш, покланиш жараёни мажозий рамзий моҳият касб этади. Бу рукнда кейинчалик Рабғузий, Жомий, Фузулийнинг асарлари яратилгани муҳаббат туйғусининг боқий мақомини мустаҳкамлайди.

Суранинг 7-оятидаги ҳикматга эътибор берайлик:

Ҳақиқатан, Юсуф ва унинг биродарлари (қисса)сида сўровчилар учун ало-

матлар бордир (1.236).

Юсуф (а.с)га туш таъвили (изоҳи) орқали ғайб саодати башорат этилган. Яъқуб (а.с) ҳам буни тинглагач, ўғлига ниҳон сақлашни тайинлайди. Шу маънода тилсим, аломатга эътибор қаратамиз. Сурада тўртта туш таъбири ҳикмати берилади. Юсуф болалигидаги илк тушда ўн бир юлдуз, қуёш, ой – самовий неъматлар орқали илоҳий лутфга ишора этилади. Мазкур тушунчалар мажозий моҳият касб этиб, ота, она қуёш ҳамда ойга, юлдуз ўн бир биродарга нисбат тарзида талқин қилинади. Зиндонда Юсуф (а.с)га ҳамроҳ соқийнинг тушида май қуйгани хушида озодлик билан алмашади. Новвой асирнинг тушида ризқини қушларга берилгани дорга осилиш билан яқунланади. Сўнгги туш шох томонидан кўрилади. Унда етти озғин сигирнинг етти семиз сигирни егани, етти-та яшил ҳамда еттита қуриган бошоқнинг таъбири муаммо бўлади. Буни фақат етти йиллик тутқун Юсуф (а.с) изоҳлайди: етти йил зироат қилиниб, бошоғи оморда сақланади, кейин етти йил қаҳатчиликда захирадан фойдаланилади. Бир йил келиб ёмғир сероб бўлганда мевадан шарбат олинади. Илоҳий ҳикматнинг тушдаги таъвили бу мотивнинг синоатга тахайюлий мезонда ёндашишга имкон яратганидан дарак беради.

“Қаҳф” сурасининг 13 оятида қисса сўзи ўрнига хабар қўлланади, лекин мулоҳаза, йўналиш қиссага тортади.:

Эй, Муҳаммад! Биз Сизга уларнинг хабарини ҳақиқатан айтиб берурмиз. Дарҳақиқат, улар Парвардигорларига имон келтирган ва Биз уларга ҳидоятни зиёда қилган йигитлардир. (1.297)

Қаҳф сўзи ғор маъносини англатиб, унда золим Дакёнусдан яширинган йигитлар, уларга ҳамроҳ ит сабри эслатилади. Уларнинг маълум (300 йил) муддат уйқуга кетиши жаҳолатдан омон қолиши, кейинги авлодга рўбарў келишига туртки бўлади. Асрий вақт тушунчаси уйку қолипиди қамраб олинимида илоҳий каромат бўй кўрсатади.

Муқаддас Каломда ғорнинг ибодатгоҳ маъносида қўлланиши Солих (а.с), Мусо (а.с), Муҳаммад (а.с)нинг ёлғизликда Яратган билан руҳий мулоқотга киришишида маълум бўлади. Бунда руҳий юксалиш, тозариш, хузурга эришишга ноил бўлинади. Энг маҳзун ва масрур ҳолатда Парвардигорга илтижо қилиш ботиндаги буюк муҳаббатни изҳор айлашдир. Танҳо ожиз инсоннинг қудратли Зотга тавалло қилишида зарранинг ўз Эгаси хузурига ошиқиши тажассумини топади.

“Қаҳф” сураси таркибида асхоб ул-қаҳф, Мусо ва Хизр, Зулқарнайн саргузашти берилиб, улар яшаган замону манзиллар аро узвийлик кузатилмайди. Биринида подшо ва йигитлар контрасти, кейингисида Мусо ва Хизр дунёқарашидидаги зиддият устунлик қилади. Искандар зоҳирий қувват, иродаси ила нафс тимсоли яъжуж-маъжужни мағлуб этади. Ғор, йўл, девор мотиви рамзий моҳият касб этиб, қиссалар маъно қатламини қолиплаб боради.

Қуръондаги 28-сура номи ҚАСАС, яъни Қисса экан.

Кўринадики, қисса сўзи фақат суралар таркибида эмас, алоҳида ном тарзида ҳам берилган. Бу унинг салмоғи, даражасига ишора бўлиб, инсоният яра-

лишидан охирига қадар бўлган тилсиму синоатлар моҳиятини жамлагани билан далилланади. Унда бир ё ундан кўп инсон қисмати турли макону замон ўлчовида синтезлашиб боради. Муҳими, бу қиссалар Муҳаммад пайғамбарга мозий ва келажак сарҳади қамровида босқичма-босқич ваҳий орқали маълум қилинади.

Қасас сурасининг 25-ояти қуйидагича:

Сўнгра улардан (икки қиз) бири ҳаё билан юриб келиб: Отам сени (қўйларимизни) суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда, – деди. Бас (Мусо Шуайбнинг ҳузурига) келиб, унга ўз қиссасини сўйлаб бергач, у: Қўрқмагин, сен золимлар қавмидан нажот топдинг, – деди (1.388).

Мазкур оятда қисса ичида қисса усули кузатилади. Аввало, икки қиз эзгуликка миннатдорлик билдириб, отаси ҳузурига чорлагани айтилади. Сўнг кўзи ожиз Шуайб (а.с) га Мусо (а.с) ўз мусофирлик ҳолатини сўзлайди. Ҳалол, инсофли Мусо (а.с) бу даргоҳдан паноҳ топиб икки мукофотга эришади. Яъни, кофирлар тазйиқидан қутулади, кейин 10 йиллик чўпонлик меҳнати эвазига Шуайбнинг бир қизини никоҳига олади.

Ғафур сурасининг 78-ояти бундай:

Биз Сиздан олдин(кўп) пайғамбарларни юборгандирмиз. Улардан Биз Сизга қиссасини айтганимиз ҳам бор, айтмаганимиз ҳам бордир. Бирор пайғамбарга Аллоҳнинг изнисиз мўъжиза келтириш жоиз эмас. Бас, қачонки, Аллоҳнинг амри келгач, ҳаққоний ҳукм қилинур ва ўшанда бузғунчилар зиён кўргайлар. (1.476)

Қуръони Каримда Муҳаммад (а.с)га улардан аввалги пайғамбарлар қиссаси батафсил, такрор келтирилишидан мақсад ҳалокатдан огоҳ этишдир. Хусусан, Одам (а.с) Нух (а.с), Лут (а.с), Мусо (а.с), Исо (а.с), Яъқуб (а.с), Юсуф (а.с), Иброҳим (а.с), Юнус (а.с), Солих (а.с), Сулаймон (а.с), Айюб (а.с), Шуайб (а.с), Ҳуд (а.с)лар ҳаётига доир маълумотлар кўп, қайта берилишида айрим жиҳати тўлдириб борилади.

Имрон (а.с), Закариё (а.с), Исҳоқ (а.с), Идрис (а.с), Ҳорун (а.с) ва Яҳё (а.с) ҳаётига оид ҳолатлар нисбатан кам берилган. Улар авлодидаги давомийлик, муайян вазиятга аниқлик киритиш, эслатма бериш шаклида ҳам оз ўринда кўринади.

Қиссалар бир жумлада ҳам, батафсил ҳам ифодаланар экан, улар замиридаги мантиқ теранлиги, мазмун кўламдорлиги эътиборга молик. Улардаги пайғамбарлар ибратли ҳаёти теграсида маълуму номаълум миллату элатлар жамланиб боради. Вақт ҳамда макон тушунчаси кенг бўлиб, улар мезони борасида аниқ тўхтамга келиш душвор. Жаннат ва жаҳаннам макони, Арши аъло худуди, Меърож, Қадр кечаларидаги тилсимот ҳануз инсон тафаккури учун ниҳон қолмоқда.

Сураларда пайғамбарларнинг даъват йўлидаги машаққати, ҳалокатга учраган қавмлар фожеасидан бохабар этилади. Қаҳрамон тушунчаси набийлар реал ҳаёти, маслаги, ирода, сабрини ҳолату имтиҳонда умумлаштиради. Муҳими, илк бор қисса Қуръони Карим таркибида қўлланиб, пайғамбарлар қисматидан илоҳий ахборот бергани билан аҳамиятлидир.

“...ижод жараёнида воқелик санъаткор онги-ю қалбидан ўтказилиб, моделга айлантирилган бўлса, ўқиш жараёнида ўша модел воситасида ижодий жараён тикланади – бадиий воқелик қайтадан яратилади” (2.59).

Халқ борки, унинг оғзаки ижоди бор. Мазкур ижод намуналари юксак ғоявийлиги, чуқур халқчилиги билан эътиборга молик. Унинг боқий анъаналари халқ қиссаларида ҳам давом эттирилади. Фольклор борки, қисса, достон, эртақ сингари жанр ва турлар мавжуд. Ҳар бир қисса асосида тарихий ҳақиқат мавжуд бўлиб, миллат истеъдоди, тахаййули эвазига тўйиниб бориши, одамнинг набототу ҳайвонот билан уйғунлиги ниҳон воқеаларга сабаб этилиши белгилаб ўтилади. Бадиий образ мундарижаси паҳлавон, дарвеш, зоҳид каби қаҳрамонлар билан бойиб боради. Мазкур қиссаларда бўрттириш, сифатлаш, хаёлотга эрк бериш тамойили кўзга ташланади.

Халқ қиссаларида кишиларнинг ҳаётга муносабати, ижтимоий турмуш тарзи содда, аниқ тасвирланган. Имонли, сабрли донишманд шахслар номи фахрланиб тилга олинган. Бу асарларда маълуму машҳур воқеалар тасвирланиб, қаҳрамон фаолияти ижтимоий тараққиёт қонунлари билан боғлиқ ҳолда ёритиб борилган. Ватанга муҳаббат, дўстлик, инсонпарварлик ғоялари улуғланиб, меҳр-муҳаббат тараннум этилган, энг яхши фазилатларни мужассамлаштирган халқ қаҳрамонлари мадҳ этилган. Бирор шахс фаолияти ё халқ қаҳрамони номи билан боғлиқ воқеалар ихчам сюжетли бўлиб, уларда ижтимоий, тарихий шароит бадиий ифодасини топган. Элпарвар ва адолатли, иродаси мустаҳкам қаҳрамон шу тариха халқ орзу қилган кучнинг рамзий ифодасига айланган. Бош қаҳрамон шаргузашти машҳур сюжетларни шакллантирган.

Мумтоз адабиётнинг “Қисаси Рабғузӣ” асари Қуръондаги сюжетлар асосида яратилган. Мазкур асардаги қиссалар тарихийлик нуқтаи назаридан эътиборга молик ёзма ёдгорликдир. Зеро, асарда олам ва одам ҳақидаги фалсафий, эстетик қарашлар теран ифодаланган. “Қисаси Рабғузӣ”да оламнинг яралиши, табиат ва жамият ҳодисалари, инсоний муносабатлар борасида фикр юритилади. Мавзу доирасига кўра асар қиссалари ранг-баранг. Оламдаги бутун мавжудот эгаси бўлган Аллоҳни улуғлаш, пайғамбарлар ҳаётининг маълум лавҳаларини ёритиш, ота-она ва фарзанд муносабатини кўрсатиш, эрк ва адолат, тинчлик ва осудаликни кадрлаш каби диний, маърифий дунёқараш поэтик ифодани бойитади. Асардаги жой, қавмлар номларини муқаддас манбага мувофиқ беришга ҳаракат қилинган. Унда воқеа баёнига атрофлича тўхталиб, жараёни батафсил шарҳлаш тамойили устунлик қилади. Муаллиф қисқа диалоглар воситасида шахслар нутқини жонли, табиий ифодалашга, муайян вазиятга ойдинлик киритишга муваффақ бўлади. Муҳими, қиссаларда диний мотивни бойитиш, тўлдириш, содда шаклда етказиш мақсад қилинади.

“Жанр адабиёт ривождаги ҳар бир босқичда ва шу жанрга мансуб ўзига хос асарда қайта туғилиб янгиланади. Жанр бугунги кун билан яшайди, аммо ибтидосини, ўтмишини ёдида тутаяди. У адабиёт ривожига жараёнида ижодий хотиранинг вакилидир. Шу боис жанр адабиёт тараққиётидаги яхлитлик ва узвийликни таъминлашга қодир”(3.122).

Қиссада мазмуннинг теранлиги, ҳаётӣ материалнинг салмоғи, сюжетнинг сертармоқлиги, характер мантиғи, образларнинг воқеадаги иштироки жанр хусусиятини белгилаб боради.

ХУЛОСА

Қиссалар поэтикасида ўзгаришлар ҳам уларни синчиклаб кузатиш асносида юзага чиқади. Асардаги бош қаҳрамон руҳиятининг тадрижи кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Қаҳрамоннинг ёрқин ҳамда тўлақонли кўриниши унинг жамиятдаги фаолияти асносида юзага келади. Унинг саяй-харакати, маслаги доимо бошқа образлар уйғунлигида ойдинлашиб боради. Қиссадаги характер табиати санъаткорнинг адабий-эстетик позицияси, эстетик идеалига мувофиқ баҳоланади. Муаллиф бадий ғоясини етказишда қаҳрамоннинг маънавий, ахлоқий қадриятни тарғиб этиши ҳам муҳим мезон саналади. Ҳаётдаги барча мураккаблик асосий тамойилга уйғун тасвирланиб, турли ҳолатларга образнинг аниқ муносабати акс этиши зарур.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Baxtin M. Problemi poetiki Dostoyevskogo. –M.: Sovetskiy pisatel, 1963.
2. Qur'onov D. CHO'lpon nasri poetikasi. –T.: Tafakkur, 2004.
3. Qur'oni Karim ma'nolarining tarjima va tavsifi. – T.: Sano standart, 2018.

ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ

Гулноз Халлиева. Условия достижения научного результата в компаративистских исследованиях	3
Умида Расулова. Генезис жанра повести	13
Бахор Тураева. Поэтика параллельного хронотопа в романе «И дольше века длится день»	21
Махлиё Умарова. Свобода личности и страны в лирике Байрона и Чулпан.....	34
Дилафруз Жаббарова. Современное отношение к джадидизму и литературе джадидизма	42

ЯЗЫКОЗНАНИЕ

Фахриддин Абдурахманов. Синтактико-семантические особенности многоместных глаголов в русском и узбекском языках	49
Светлана Им. Значимость морфонологических элементов в процессе словообразования	60
Лолахон Нигматова. Некоторые проблемы узбекской лексикографии и словарной разработки.....	71
Шахло Хамроева. Значение классификации семантической группы, класса и поля в разметке текста лингвистических корпусов	81
Мирзо Турсунов. Лингвистическое свойство метафорических фразеологических единиц в узбекском языке	94
Умида Юлдашева. Значение и место английского языка в развитии мировой экономики.....	102
Ирода Кахарова. Средства эмоционального выражения в языке	111
Санжар Аноркулов. Топонимы как объект лингвистического исследования.....	129

ПЕРЕВОДОВЕДЕНИЕ

Хулкар Мирзахмедова. Термины исконно иранского происхождения в персидском языке	137
Муносибхон Ишанжанова. Параметры пространственных локализаторов во французском и узбекском языках	146
Дурдона Эгамназарова. Важность интонации в актуальном членении предложения в английском и узбекском языках	154

МЕТОДИКА

Светлана Хан. Как помочь ребенку стать успешным учеником.....	163
Сарвиноз Абдиева. Преимущества применения технологии комплексного модульного обучения на занятиях английского языка.....	172

ПЕДАГОГИКА. ПСИХОЛОГИЯ

Хикматулло Уразбаев. Использование возможностей программной среды SPSS (statistical package for social sciences) в педагогических исследованиях.....	182
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

САМООТВЕРЖЕННЫЕ УЧЕНЫЕ

Жамолиддин Якубов. Омон Муминов – преданный науке ученый, выдающийся лингвист, талантливый переводчик.....	192
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----